

ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ТАЗИЙҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДАН ЖАБРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

*Аллаабергенов Музаффар**

Таянч сўзлар: майиший зўрлик, жабрланувчи, жабрланган шахс, гайриижтимоий хулқ-автор, ўз жонига қасд қилиши, ҳуқуқбузар, жиноятычи шахс, криминоген вазият.

Аннотация. Мақолада хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликтан ҳимоя қилиши, зўрликтан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда шахсларни оиласидаги низолардан жабрланишини олидини олиши юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятнинг пойдевори сифатида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иктисодий асосларини кучайтириш, оила-турмуш соҳасидаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан жисмоний, ахлоқий ёки мулкий зарар етказиш натижасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар туфайли жабр кўрган шахсларга кўмаклашиш каби масалалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги “Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-майиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3827-сон қарорининг қабул қилиниши биринчидан, мамлакатимизда зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси.

<https://scientific-jl.com/>

20-to'plam 1-son May 2025

олдини олиш марказларини фаолиятини ташкил этилишига, *иккинчидан*, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оилавий муаммолар ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган шахсларга аноним тарзда шошилинч тиббий, руҳий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатишга; *учинчидан*, ўз жонига қасд қилишга мойил бўлган ёки ўз жонига қасд қилган шахслар билан бирламчи ва изчил профилактика тадбирларини ўтказишга; *тўртинчидан*, низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ҳолларини ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни эрта бартараф этиш мақсадида давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар билан ўзаро самарали ҳамкорлик ўрнатишга; *бешинчидан*, ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш бўйича ҳудудий давлат ва нодавлат муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг моддий-техник ва услубий базасини мустаҳкамлашга; *олтинчидан*, долзарб ижтимоий муаммоларни аниқлаш мақсадида вақти-вақти билан жамоатчилик фикрини ўрганиш, уларнинг асосида низоли вазиятларни, оилавий-маиший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётга жорий этишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёning юздан ортиқ давлатларида майший зўрликнинг олдини олиш бўйича маҳсус қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар доирасида оиладаги низоларни ҳал қилиш, ундан жабрланган шахсларга тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус бошпаналар ташкил этиш ҳамда унинг профилактикаси бўйича самарали фаолиятни ташкил этиш механизмлари яратилган бўлса-да, АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция каби давлатларда майший зўрликнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланган шахсларга ёрдам кўрсатиш бўйича илғор тажрибалар мавжуд.

Таъкидалаш керакки, илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, майший зўрлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикасини аниқлаш, хотин-қизларни тазийиқ ва зўравонлиқдан ҳимоя қилиш тизимини

такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши қўйидаги имкониятларнинг пайдо бўлишига имкон яратди:

биринчидан, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга;

иккинчидан, майший турмуш доирасидаги ҳукуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолият олиб борувчи субъектларнинг бу соҳадаги ваколатларини белгилаб беришга;

учинчидан, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга;

тўртинчидан, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ягона электрон маълумотлар базасига киритишига;

бешинчидан, хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни қўллаш ҳамда улар билан самарали профилактика ишларини олиб боришга;

олтинчидан, тазийқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ҳимоя ордери бериш ҳамда дастур асосида ҳулқ-атворни тузатиш бўйича ишлаш тизимининг пайдо бўлишига мустаҳкам ҳукуқий асос бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда майший зўравонлик билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар профилактиканни ташкил этиш, майший зўрлик ишлатиш ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳулқ-атвор шаклланишини барвақт олдини олиш ва унинг самарали профилактикаси борасида кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Айниқса, маъмурий ҳудудларда низоли оиласлар ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахслар билан манзилли ва тизимли профилактика тадбирларини самарали олиб борилаётганлиги ўзининг натижасини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятига қўйилаётган асосий талаблардан бири бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан қарши курашиш эмас, балки уларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, ҳар бир жиноятнингadolати ва ҳақиқатини таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида қўйилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, майший зўрлиқдан жабрланган шахсларнинг аксарияти ўзига нисбатан содир этилган қилмишлар ҳақида ёрдам сўраб ҳеч кимга мурожаат этишмайди. Энг қизифи, баъзида оиласлар турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда ҳам, жабрланувчи ҳуқуқбузар шахснинг қилмишини яширишга, ўзининг эҳтиётсизлиги оқибатида тан жароҳати олганлигига, ҳатто қўзғатилган жиноят ишини тўхтатишига ҳаракат қиласи. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддасида белгиланган жиноятлар бўйича судларда кўрилган ишларнинг 76,3% тарафларнинг ярашганлиги сабабли тутатилган. Модомики, жиноят ишини тутатишнинг имкони бўлмаган бўлса, жабрланувчи дастлабки тергов ва суд муҳокамаси пайтида айборнинг айбины юмшатишига, ҳатто содир этилган жиноятни тўла инкор этишга ҳаракат қилиб, оиласининг бузилиб кетишига йўл қўймасликка ва уни сақлаб қолишига ҳаракат қиласи[1]. Шунинг учун ҳам майший зўрлиқ оқибатида содир этилган жиноятларнинг латентлик даражаси юқори даражада бўлади[2].

Майший зўрлиқдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ҳамда уларни ўз вақтида аниқлаши борасида қўйидаги муаммолар мавжуд:

а) жабрланувчи ўзига нисбатан содир этилган жиноий тажовузни ҳеч кимга сездирмасликка, бошқалар олдида шарманда бўлмасликка, ўз

келажагига салбий таъсир кўрсатмасликка ҳаракат қилиши;

- б) жабрланувчи ҳаёт тажрибасининг камлиги ва ҳуқуқий онгининг юқори даражада эмаслиги;
- в) қўрқоқлик, шарманда бўлишга йўл қўймаслик, гап-сўзларга қолмаслик каби хусусиятларнинг мавжудлиги;
- г) вояга етмаганнинг келажақдаги турмушига мазкур ҳолатнинг салбий таъсир кўрсатишидан қўрқиши;
- д) айборнинг яқин қариндошлари ёки дўстлари орқали жабрланувчини қўрқитиши ва х.к.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, майший зўрлиқдан жабрланган шахсларни асосан унинг ожиз аъзолари бўлган болалар, аёллар, қариялар ва ногиронлар ташкил этади. Хусусан, жабрланганларнинг 58,5% аёллар, 31,9% вояга етмаганлар, 5,8% қариялар ва 3,8% ногиронлар ташкил этмоқда[3].

Майший зўрлиқдан шахсларнинг жабрланишига сабаб бўлувчи омилларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- а) маъмурий худудларда профилактика инспекторларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда низоли оилаларни аниқлаб, оилаларни яраштириш, ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан таъсирчан профилактик ишларнинг етарли даражада ташкил этилмаётганлиги;
- б) зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида ва манзилли ёрдам қўрсатиш тизимининг йўқлиги;
- в) аксарият хотин-қизларнинг майший зўрлиқдан жабрланганлиги ҳолати юзасидан оиладаги низоли ҳолатлар ҳамда уни ижобий ҳал этиш борасида қисқа 1146-рақамли “ишонч телефони” мавжуд эканлигидан хабардор эмаслиги ва борода ОАВлари орқали тарғибот ишларининг талаб даражасида эмаслиги;
- г) оила-турмуш доирасида кўп жиноятлар содир этилаётган минтақаларни аниқлаб, у ердаги оилаларнинг муаммоларини аниқлаш ва ўрганиш борасида жамоатчилик фикрини юзасидан ижтимоий сўровларни

ўтказилмаслиги;

д) оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан оиласи мураббаликни турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келаётган аёлларни ўз вақтида аниқлаб, уларга руҳий, ижтимоий, педагогик, хуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида чора-тадбирлар олиб борилмаётганлиги; зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилатация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказларининг етарли даражада моддий-техника таъминоти ва мутахассислар билан таъминланмаганлиги ва бошқ.

Оиласи мураббаликни зўрликдан жабрланган шахсларни хуқуқий ҳимоя қилиш борасида қуидаги профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, майший зўрликдан жабрланган шахсларнинг хуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида хуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятини самарали ташкил этиш[4];

иккинчидан, жабрланган шахсларга ҳимоя ордери бериш тизимини самарали ташкил этиш ва унинг назоратини таъминлаш;

учинчидан, маъмурий худудларда яшовчи ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласи аниқлаб, уларга ижтимоий, хуқуқий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, хукуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ишларни ташкил этиш;

тўртинчидан, оила турмуш доирасида зўравонликка дучор бўлаётган шахслар ўртасида мақсади яширган ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда ушбу қилмишларнинг латентлигини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

бешинчидан, оила-турмуш доирасида жиноятлар, уларнинг салбий оқибатлари ва келиб чиқишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини мунтазам хабардор этиб бориш;

олтинчидан, майший зўрликдан жабрланганларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари ҳамда ишонч телефонлари фаолиятини самарали ташкил этиш;

еттинчидан, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни бартараф этишга доир дастурлар ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш майший зўрлик ишлатиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда унинг латентлигини олдини олишга хизмат қиласди.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштиш: юридик фанлар бўйича фалсафа док. дисс. –Т., 2019. – 97 б.
2. Алауханов Е.О. Криминология. Учебник, Алматы, –2008. –С. 213–214
3. Муродов А. Оиладаги зўравонлик тушунчаси, турлари ва жиноий ҳуқуқий тавсифи // Advakat журнали. –Т., 2018. № 1. –Б. 38-45.
4. Ниёзова С. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимлигининг олдини олиш. / Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журнали. – Т., 2016. №4 (76). – Б. 41.